Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 19 июнь, шанба • № 72 (24.467).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Интилиш, изланиш, ташаббус – тараққиётимиз омили

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди.

17 июнь куни Термиз аэропортида давлатимиз раҳбарини Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев кутиб олди.

Даставвал, Юртбошимиз Ўзбекистон — Афғонистон чегарасидаги «Айритом» божхона мажмуи фаолияти, мамлакатимиз жанубий сарҳадларидаги аҳвол билан танишди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, қўшни Афғонистондаги беқарор вазият минтақавий тинчлик масалаларига маълум маънода таъсир қилмоқда. Айтиш жоизки, қўшни давлатда тинчлик ўрнатиш юзасидан Ўзбекистон раҳбариятининг таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Давлатимиз раҳбари чегарачиларнинг ҳаёти, аскарларнинг ҳарбий тайёргарлик даражаси билан қизиқиб, чегара қўшинлари мамлакат мудофаа тизимида асосий ўрин тутишини таъкидлади.

Шу ўринда, Йўлбошчимиз чегарачилар нафақат ҳарбий жиҳатдан, балки ташқи кўринишда ҳам бошқа қўшин турларидан ажралиб туриши кераклигини айтиб ўтди. Ўзбекистон чегарачиларининг формаси, генералдан тортиб оддий аскаргача, миллийлик руҳида бўлсин, эски шаклдардан тубдан фарқ қилсин, энг асосийси, хизмат ва иқлим шароитига мос бўлсин, деди Президент.

Шундан сўнг, Юртбошимиз Жарқўрғон тумани «Сурхон» ширкатлар уюшмасининг «Улуғбек-2» фермер хўжалиги ғалла майдонларини бориб кўрди.

Ўтган йили санацияга тушган мазкур хўжалик аъзолари ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлар ва ички имкониятлардан самарали фойдаланиб, жорий йилни даромад билан якунлашни мўлжалламоқда. Хўжалик далаларида, вилоятдаги асосий майдонлардан фарқли ўлароқ, буғдойнинг «Половчанка» нави экилган. Уюшма раиси Абдусаттор Қурбонов, бригадир Рўзибой Эшназаров ва оилавий ижарачи Нормўмин Омонтурдиев давлатимиз раҳбарига мазкур навнинг афзаллик томонлари: вилоят тупроқ-иқлим шароитига мослиги, касалликларга чидамлиги, ҳар гектар ердан ўртача 45 центнердан ҳосил олиш режалаштирилаётганлиги ҳақида сўзлаб бердилар.

Ислом Каримов ғаллакорлар меҳнатига юқори баҳо бериб, Сурхондарё вилояти шароитида «Юна» нави ўзини оқламай, асосий ғалла майдонлари занг касаллигига чалинган бир вақтда, хўжалик аъзолари эришаётган натижалар эътиборга лойиқ эканлигини қайд этди. Санацияга тушган хўжалик қўлга киритаётган муайян ижобий натижалар одамларда эртанги кунга ишонч уйғотади, деди Йўлбошчимиз.

Юртбошимиз вилоят ғаллачилигидаги камчиликларни бартараф этиш учун уруғлик танлашда деҳқон ва фермерларнинг таклифларини ўрганиш, экиш муддатларини маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқиб белгилаш лозимлигини уқтирди.

Қумқўрғон тумани ҳокимлигида ёшлар билан суҳбат чоғида эса, Президентимиз Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими фаолияти билан қизиқиб, унда расмиятчилик ва лоқайдлик ҳукм сураётганини танқид қилди.

Шу куни Сурхондарё вилоят ҳокимлигида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда вилоят меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифа — ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ва қисқа муддатда ўтказиш эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу борада навлар масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, ғаллакорларга вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, касалликларга чидамли, ҳосилдорлиги юқори навларни таклиф қилиш керак, деди Президент. Ғалла-чиликда кўрилган зарар, такрорий экинларни тезроқ экиш, ерлардан унумли фойдаланиш билангина қисман қопланиши мумкин.

Умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча ишларни ислоҳотлар талаби асосида ташкил этиш вақти етди. Деҳқонни мажбурлаб далага чиқариш даври батамом ўтди, ҳозир бунга асло ҳожат йўқ. Шундай экан, бизнинг вазифамиз деҳқонга шароит яратиш, имконият бериш, рағбатлантиришдан иборат. Зеро, ислоҳот даврида эришган энг катта муваффақиятимиз — одамларда ўз кучига, келажакка ишонч пайдо бўлганидир, деди Йўлбошчимиз.

Йиғилишда ёшлар орасида ижтимоий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни турли экстремистик диний оқимлар таъсиридан асраш борасида ҳам сўз борди. Юртбошимиз бу борадаги ишларни янада жонлантириш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, балки кенг жамоатчилик, барча фуқароларнинг бурчи эканлигини таъкидлади.

Вилоятдаги ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш учун барча даражадаги раҳбарлар, айниқса ёшларда интилиш, изланиш ва ташаббус бўлиши даркор, дея таъкидлади пировардида Ислом Каримов.

Шу куни давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига келди. Қарши аэропортида Юртбошимизни вилоят ҳокими Ш. Бегматов кутиб олди.

18 июнь куни давлатимиз раҳбари Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишининг бориши билан танишди. Американинг «ABB» компанияси билан ҳамкорликда қурилаётган ва 2000 йилда ишга тушурилиши режалаштирилаётган мазкур иншоотда бугунги кунда кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мажмуа фойдаланишга топширилгач, бу ерда йилига 125 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси — полиэтилен ишлаб чиқарилади. Эътиборли жиҳати шундаки, асосий бунёдкорлик ишлари республикамиз қурилиш ташкилотлари томонидан олиб бориляпти. Хорижий ҳамкорлар эса технологик жараён устидан назорат ўрнатиб, асосий ускуналарни ишга туширишга ёрдам бермоқдалар.

Йўлбошчимиз қурилишда меҳнат қилаётган ёшлар, вилоятнинг турли туманларидан келган қурувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг ишлаш ва яшаш, маданий-маиший шароити билан қизиқди.

Илгари бундай иншоотлар қуриш ҳақида фақат орзу қилар эдик, энди эса улар рўёбга чиқмоқда, деди Президент. Сизларнинг очиқ чеҳрангизга қараб, танлаган йўлимиз тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Юртбошимиз газ-кимё мажмуининг ишчилар шаҳарчасини кўздан кечирди. Бу ерда ҳозирга қадар ҳар бири юз ўринли 3 та ётоқхона, 15 та турар жой биноси, коттеджлар, ошхона, чойхона, нонвойхона, ўқув маркази, меҳмонхона ва бошқа маъмурий-маиший бинолар қуриб битказилган.

Ишчилар ошхонасидаги дастурхоннинг тўкинлиги, нозне-ъматларнинг мўл ва арзонлиги, шаҳарчадаги биноларнинг меъморий кўриниши Президентимиз эътирофига сазовор бўлди. Айни пайтда Йўлбошчимиз шаҳарчада ичимлик ва иссиқ сув таъминотини янада яхшилаш, тозалаш иншоотларини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг, Президент Ислом Каримов Қамаши тумани «Чим» ширкат хўжалиги ғаллазорларини кўздан кечирди. Оилавий пудратчи Абдумурод Бозоров бу йил «Офелия» навини эккани, 780 гектар ғаллазордан ўртача 42 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаётганлиги ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари туман машина-трактор паркининг деҳқонларга кўрсатаётган хизмати даражасини ошириш, ижарачи ва хўжалик ўртасидаги шартномавий муносабатларга тўлиқ риоя этиш лозимлигини қайд этди.

Ислом Каримов «Кейс» комбайнига чиқиб, унинг ишлашини амалда синаб кўрди. Журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтарди:

— Шўрған газ-кимё мажмуининг қурилишида бўлганимда ёшларнинг бугунги ҳаёти, мақсади, келажак режалари ҳақида суҳбатлашдим ва шунга амин бўлдимки, бундай катта иншоотлар қурилишида қатнашаётган йигитларимиз ўз вазифасини, масъулиятини тўғри баҳоламоқда, — деди жумладан Ислом Каримов. — Демак, улар келажакка умид билан боқмоқда, бугунги ўзгаришларнинг самарасини ҳис этмоқда. Инсон қилаётган ишини тўғри тушуниб етса, унга онгли ёндошса, бажараётган ишидан мамнун бўлса, бу бизнинг катта ютуғимиз, олиб бораётган сиёсатимизнинг амалдаги эътирофи, дейиш мумкин. Агар одам ҳаётда бир из қолдирмоқчи бўлса, жамиятга, юртига наф келтиришни истаса, авваламбор, ўз фикрига, дунёқарашига таяниб яшаши керак. Шундан кейингина олдимизда турган долзарб вазифаларни амалга ошириш имкони туғилади. Шундай ёшлар миллий мафкурамизга, тарихий қадриятларимизга, истиқлол йўлига зид айрим оқимларнинг қора ниятларини тушуниб етади ва уларга қарши кураша олади.

«Элита» қўшма корхонаси илмий департаментининг Яккабоғ тумани «Ўзбекистон» хўжалигида жойлашган тажриба майдонида ҳам ғалла уруғчилигини ривожлантириш, жанубий вилоятларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос навларни танлаш масаласи муҳокама этилди. Мазкур тажриба майдонида юздан ортиқ буғдой турлари синовдан ўтмоқда, хўжаликлар учун сифатли уруғлик етиштирилмоқда. «Улуғбек-600» , «Санзар-4», «Санзар-8», «Жаҳонгир-660», «Шердор» мазкур корхона олимлари томонидан яратилган навлардир. Ўтган йили корхонанинг Самарқанд вилоятидаги тажриба майдонига ташрифи чоғида Президентимиз ном қўйиб берган «Ўзбекистон-1» нави ҳам ўзининг эртапишарлиги билан мутахассислар эътиборини қозонди.

Яккабоғ тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойсанам Бобоқулова ва «Ўзбекистон» хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Авлаева билан шу ерда бўлиб ўтган мулоқотда Йўлбошчимиз туман аёлларининг ижтимоий ҳаёти, меҳнат фаолияти, тиббий таъминоти, уларни ўйлантираётган муаммолар ҳақида суриштирди. Президентимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, турмуш даражасини янада юксалтириш лозимлигини қайд этиб, бу борада қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Аёлни ҳурмат қилиш — онани ҳурмат қилиш демакдир, — деди Юртбошимиз. — Мен она деганда Ватанни, Ватан деганда онани тушунаман. Аёлни, онани улуғлаш эса, Ватанни, юртни улуғлашдир.

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда ҳам сафар давомида давлатимиз раҳбари ўртага қўйган масалалар муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимларига вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги, саноат, маънавий-маърифий соҳалардаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафар давомида Юртбошимизга Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Зиё, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С. Ҳакимов, Бош вазир ўринбосарлари А. Исаев, Б.Олимжонов ҳамроҳлик қилди.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Бош вазир Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов кутиб олди.

Беҳзод УСМОН,
Чори ТЎХТАЕВ,
Абдужалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қашқадарёликлар даврасида.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати юбилейи

Мамлакатимиз металлургия саноатининг йирик корхонаси — Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ташкил топганига эллик йил тўлди.Шу давр мобайнида комбинат рудаларни ер остидан қазиб олувчи конларни, бойитиш фабрикаларини, металлургия заводларини, катта-катта энергетика ва транспорт тизимларини, ижтимоий соҳа объектларини бирлаштирувчи ноёб саноат комплекси сифатида шаклланди.

Мустақиллик йилларида комбинат ўзининг янги кучқудратига эришди.Мис эритиш заводида соф олтин ва кумуш ёмбиларни ишлаб чиқариш цехлари барпо этилди.Бир йилда мазкур корхонанинг икки хил маҳсулоти Лондондаги олтин ва қимматбаҳо металлар биржасининг сифат белгисига сазовор бўлди.

18 июнь куни Олмалиқда комбинат ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати жамоасига» табригини ўқиб эшиттирди.Юртбошимизнинг «Олмалиқ тоғ — металлургия комбинатининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ корхонанинг бир гуруҳ ишчи-хизматчиларига Ватаннинг юксак мукофотлари — орден ва медалларини, шунингдек Фахрий унвон ва Фахрий ёрлиқларини топширди.

Сўзга чиққанлар корхона жамоаси меҳнатини юксак қадрлаганлиги учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, унинг кўп миллатли ишчи ва хизматчилари мамлакатимизнинг мустақиллиги, иқтисодий қудрати ва халқлар ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилажакларини таъкидладилар.

Маросимда Бош вазир ўринбосари В.Чжен иштирок этди.

(ЎзА)

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Украина парламенти мамлакатнинг мансабдор шахслари томонидан чет элларда валюта ҳисоблари очиш ҳолатларини текшириш юзасидан муваққат комиссия тузди. Парламент 16 нафар депутатдан иборат комиссия таркибини тасдиқлади. Депутатлар комиссияси 1998 йил ноябрдаёқ Украина президентининг собиқ ёрдамчиси, халқ депутати Александр Волковнинг чет эллардаги молия-тижорат фаолиятининг қонунийлигини текширган эди. Брюссель суди Волковни «нопок» пул топганликда айблаганлиги аниқланган. Суд қарорига биноан Волков ҳисобидаги, шунингдек, унинг тижорат тизимлари ҳисобидаги 4 миллион доллар маблағи тўхтатиб қўйилди. Шунингдек, украин депутатининг автомобили ва Бельгиядаги кўчмас мулклари ҳибсга олинди, деб ёзади «Известия» газетаси.

***

Халқаро меҳнат ташкилоти болалар меҳнатининг энг аянчли турларини тақиқловчи конвенцияни бир овоздан қабул қилди. Ушбу шартнома болалар фоҳишабозлиги ва болалар билан савдо-сотиқ қилишни таг-туги билан йўқотишни талаб қилади, ўсмирларни армияга ёллашни таъқиқлайди. Шу билан бирга Женевадаги Би-Би-Си мухбири, қабул қилинган ҳужжат аслида муросасозликдир, деб хабар берди. Чунки Халқаро меҳнат ташкилотига кирувчи давлатлар болалар меҳнатининг барча турларини тақиқловчи конвенция қабул қилинишига эришолмадилар. Шундай бўлсада, фаоллар янги ҳужжат қутилганидан ҳам қаттиқ, бу эса баъзи мамлакатларда унинг бажарилиши ҳукумат билан болалар меҳнатидан фойдаланувчилар ўртасида келишмовчиликлар ҳам чиқаради, деб ўйламоқдалар.

***

Германияда электроника ишлаб чиқарувчи энг йирик «Сименс» корпорацияси ва Японияда компьютерлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни эгаллаб турган «Фудзицу» корпорацияси биргаликда шахсий компьютерлар, шунингдек сервер ва йирик компьютерлар ишлаб чиқариш ҳамда сотиш бўйича қўшма компания тузиш режаларини эълон қилдилар, деб хабар берди Блумберг ахборот маҳкамаси. Янги ташкил этиладиган «Фудзицу — Сименс Компьютерс» компанияси Американинг «Компэк» ва «Делл» корпорациялари билан бир қаторда туриши мумкин. Ҳозир «Фудзицу» ва «Сименс» корпорациялари шахсий компьютерлар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича жаҳонда тўққизинчи ва ўн иккинчи ўринларни эгаллаб туришибди, деб хабар беради «Озодлик радиоси».

Суд маслаҳат ўйига кирди

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда давлатимиз раҳбарига, Конституциявий тузумга тажовуз қилганликлари ҳамда қўпорувчилик, қотиллик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликлари учун судланаётган 22 нафар кишига нисбатан очиқ суд жараёни 18 июнь куни давом эттирилди.

Мажлисда жабрланувчилар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, мамлакатимиздаги хорижий элчихоналарнинг ходимлари иштирок этмоқда.

Тарафларнинг музокара сўзлари тамомланди. Суд судланувчиларга охирги сўзни берди.

Судланувчилар ўзларининг охирги сўзларида яна бир бор гуноҳкор эканликларини тан олиб, мамлакатимиз Президенти, халқи ва суд ҳайъатидан енгиллик беришни сўрадилар.

Суд судланувчиларнинг охирги сўзларини тинглаб бўлгач, раислик қилувчи суд ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киришлигини билдирди ва 1999 йилнинг 28 июнига қадар танаффус эълон қилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон буюк келажак сари

Бирлашганда Ватан юксалар

Қаранг, вақт тез ўтаверар эканда, ҳадемай XXI асрга қадам қўямиз. Бахтимиз қаддимизни тик тутиб, бағримизни кенг очиб, забардаст қадамлар билан XXI асрни қаршилаётганимизда. Озодлик — бу шунчаки ватаннинг озодлигигина эмас, инсоннинг озодлигида, эркинлигида! Инсон озод экан ватан ҳам озод бўлади. 90-йиллар ўйлабмидик 7-8 йилда келажаги буюк давлатга асос яратилади деб, мустақиллик руҳи билан болаларимиз вояга етади деб, шундай бўлди-ку! «Подшолар худонинг ердаги соялари», — дейилади ҳадиси шарифда. Бахтимизга худо доно инсонни йўлбошчи қилди бизга. «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғурмоғимиз, курашмоғимиз зарур», — деган эди Олий Мажлиснинг XIV сессиясида юртбошимиз. Фарзандлар камолини ўйлаган ота, аввало ватаннинг қудратини, халқнинг улуғворлик салоҳиятини, давлатнинг келажакда буюк бўлишини ўйлайди. Баркамол авлод эртанги кунимиз суянчи, истиқлолимиз давомчисидир.

Биз мустақилликни улуғ ният билан бошладик. Аҳолининг юрагида шу ватан, шу замин, шу муҳит меники деган тушунчани уйғотиш, ўз туғилган юртига, она тупроғига эгалик ҳиссини камол топтириш давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг асосий тамойилларидан биридир. Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида ҳам мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш биринчи устувор йўналиш қилиб белгиланган. Одам ўз уйидан кўчага оёқ босаркан, у хоҳ деҳқон, ишчи ёки раҳбар бўлсин, бирор хусусий корхонанинг эгаси бўлсин илк қадамини эркин қўя олиши учун меҳнатни эркинлаштириш, фаолиятни, иш юритишни эркинлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Эркинлик мустақилликнинг эгизаги. Бир бўлаги.

Қонун устуворлигига эришиш йўлида бораётган давлатимиз ҳар қандай соҳада тегишли бўлмаган идораларнинг текшир-текширлари, иш фаолиятини тислантирувчи ортиқча ҳаракатлари эндиликда барҳам топадиган бўлди. Раҳбар ҳам, ходим ҳам иш кунини эркин нафас олиб бошлай олса ишда унум бўлади. Бахтимиз давлатимиз олиб бораётган сиёсати халққа қаратилганида, аҳолининг фаровонлигини, дастурхоннинг тўкин-сочинлигини ўйлаб иш юритаётганида! Бахтимиз худонинг назари тушган жаннатмакон заминда, улуғлик шабадаси ҳали-ҳали юзларимизни силаб ҳузур бахш этаётган ватанда туғилганимизда!

Инсоннинг камолоти унинг феъл-атвори, хулқи, фаҳми-тароватидан ўлчанади. Азал-азалдан ота-боболаримиз ахлоқий тарбияга, одоб, илм ўрганишга алоҳида аҳамият қаратиб келганлар. «Одоб тарбиянинг бошидир», «Ўзингдан каттага салом бер», «Ўзингга раво кўрганни ўзгага ҳам раво кўр, мусулмон бўласан» каби нақлларнинг бекорга тўқилмаган, шу заминнинг боласи, шу ватаннинг фарзанди қонида улуғ аждодлар қони оқади-да, қаранг XXI аср ташвишини қила туриб: жарада юксалаётган халқмиз! Қадим Турон, Туркистон, Ўзбекистон бизнинг ватанимиз! Унинг ҳар бир қариғ ери шу ватан фарзандиман деган инсонга муқаддасдир! Қаранг: «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир», деди Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида.

Бир ҳаводан нафас олаётган юртдошим англяяпсанми? Озод шахснинг ким эканлигини? У мақсадимиз! Халқимизнинг, ватанимизнинг мустақиллиги ягона ғоямиз! Унутма замондош! Бағрингда фарзандларинг камол топаяпди, бу сенинг бахтинг эмасми?! Юртбошинг уларнинг салоҳиятли, одоб-ахлоқли, маънан етук бўлишини, шу ватаннинг эгаси бўлишни истаяпти, бу бизнинг бахтимиз эмасми?!

Телевизор кўриб турсам юртбошимиз Америкада таълим олаётган талабалар билан суҳбатлашаяпти, гўё ота-бола суҳбатлашаётгандек. Оталарча ғамхўрлик шунча бўлар-да, деган ўй ўтди хаёлимдан. Талабалар ҳам Ўзбекистонда туғилганидан ғурурланиб сўзлашмоқда. Ўзим ҳам фахрландим — шу ватан меники ҳам эканлигидан. Албатта ватанимиз келажаги етук кадрларга боғлиқ. «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади», дея юртбошимиз XIV сессияда учинчи устувор йўналишни белгилашда шу масалага фикрини қаратди. Барча олий-гоҳлар, билим юртлари ривожланган давлатлар тажрибаси асосида қайта ислоҳ қилинди. Танлов асосида иқтидорли талабалар ер юзининг энг илғор олийгоҳларида таълим олишаяпти. Бариси ватанимизнинг, халқимизнинг келажаги буюк бўлишига, олий илмга эга бўлган етук кадрларни етиштиришга қаратилган. Бугун мамлакатимиз улкан қурилишлар майдонига айланди, Улкан қурилишлар ишга туширилди. Ўз соҳасининг устаси бўлган мутахассислар ўзимиздан чиқса, бу бахт эмасми?!

Юртнинг ободлиги, аввало аҳоли турмуш даражасининг юксаклигига, эл дастурхонининг тўкинлигига, турмуш даражасининг фаровонлигига боғлиқ. Моддиятда ҳам маънавиятнинг устунлиги — бу маънавиятнинг бирламчи эканлиги эмас, балки моддий тўкинликдан маънавий баркамоллик билан фойдаланиш деганидир. Инсон фаровон турмуш кечириши учун исрофгарчилик қилиши шартми? Меъёрни сақлаш керак-ку. Ахир соғлиқ тўқликда эмас, меъёрда-ку! Фаҳми-фаросатли, оқил, илмли одам фақат маънан баркамоллиги билан турмуш даражасини фаровонликка олиб чиқади. Маънавий илм демак инсон салоҳиятини, ҳаёт тарзини тўғри бошқаришда ҳам муҳим экан. Инсон ўзи учун, умргузаронлик қилиши учун ҳамиша қайғуриши лозим. Юртбошимиз ҳам маънавий юксакликка алоҳида эътибор қаратмоқда.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш, қишлоқларни обод қилиш, кўркамлаштириш давлатимизнинг устувор йўналишларидан ўрин олаяпти.

Ватан улкан тушунча. Чунки, бир минтақада яшаётган турли миллат вакиллари ягона ватан туғи остида бирлашса ватан юксалади. Давлат сиёсатида ягона ғоя, ривожланиш дастури мустаҳкам ўрин тутади. Давлатимиз миллатлар тотувлигига, жамиятнинг барқарорлигига, қолаверса сарҳадларимиз дахлсизлигига, мамлакатимиз ҳудудининг яхлитлигига алоҳида аҳамият бермоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ватан тутган қардошларимиз эркин, озод яшашмоқда. Мустақиллигимиз иморатини мустаҳкамлашда елкама-елкка туриб меҳнат қилишмоқда. Энг қувонарлиси, Ўзбекистонни менинг ватаним дея баралла айтмоқда. Бундан фахрланмай бўладими?! Бу ҳам давлатимизнинг, юртбошимизнинг тутган сиёсати замини мустаҳкам эканлигидан. Эл-элатнинг ишончини оқлаганидан. Бахтимиз йўлимиз ёруғ, эртамиз ободлигида! Бахтимиз шу муқаддас замин ватанимиз эканлигида! Бахтимиз, йўлбошчимиз одил, халқпарвар эканлигида!

Холбой ТЎРАЕВ,
Яккабоғ тумани.

Ўзбекистон ХДП: ҳисобот-сайловлар

Холисона баҳо берилди

Ўзбекистон ХДП Боғот туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси...

— Ҳозирда 3011 аъзомиз бор, — деди биринчи котиб. — Ўтган уч йилда сафларимизга тўрт юз нафардан зиёд янги аъзолар қўшилдилар. Уларнинг аксари ёшлар ва хотин-қизлардир. Яна бир нарсани қайд қилиш керак, тумандаги раҳбар ходимларнинг саксон фоиздан ортиқроғи партиямиз аъзолари. Демак, барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, иқтисодий ўсишларда партиядошларимизнинг ўрни бор.

Музокарада сўзга чиққанлар туман партия ташкилоти фаолиятига холисона баҳо бериб, қилинган ишлар кўлами ва қилинажак ишлар масъулиятидан, олдинда кутиб турган муҳим сиёсий тадбир — сайловларда кўпчилик овозларни олишга эришиб, мамлакатимизни янада тараққий топтиришга ҳар бир партия аъзоси шахсан улуш қўшиши лозимлигини алоҳида қайд этишди.

«Боғот» ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф ака Қуваков эътиборни ёшлар билан кўпроқ ишлаш, уларнинг маънавиятини бойитиш, турли оқимларга қўшилиб кетмаслиги учун сиёсий онгини ошириш масалаларига барча партия аъзолари ўта масъулият билан қарашларини вақт тақозо қилаётганини айтди.

Бошқа музокарачилар сўзларида ҳам ташкилот фаолиятига танқидий кўз билан қараш сезилиб турди.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарорида вилоятга молиявий ёрдам кўрсатиш белгиланган, шундан бизнинг туманга ҳам ажратилиши кўзланган, — деди туман ҳокимаси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Шакаржон Хўжаниёзова. — Демак, яқин йилларда бизнинг туманимизда ҳам улкан қурилишлар амалга оширилади, минглаб янги ишчи ўринлари очилади, ёшлар муқим иш билан таъминланадилар. Бу улкан қурилишлар жараёнига кўпсонли партия аъзолари ҳам ўз улушларини қўшишлари керак.

Анжуманда туман партия ташкилоти фаолиятининг истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг навбатдаги конференциясига делегатлар ҳамда юқори партия органи таркибига вакиллар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Файрат Машарипов сўзга чиқди. Партия фаолларидан бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Туман партия кенгаши пленумида Қурбондурди Қурбонов унинг биринчи котиби этиб сайланди.

Рўзимбой ҲАСАН

Теран таҳлил, одил баҳс

ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Қизғин баҳс - мунозаралар билан, ишчанлик ва кўтаринки руҳда ўтган анжуманда шаҳар партия ташкилотининг ҳисобот даврида амалга оширган ишлари, қўлга киритган ютуқлари ва, табиийки, рўй берган хатокамчиликлар атрофлича, чуқур таҳлил қилинди.

Бугунги кунда шаҳарда 5622 нафар партия аъзоси 246 та бошланғич, 93 та ҳудудий партия ташкилотларига жипслашиб, олға қадам ташламоқда. ХДП аъзолари меҳнат жамоалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, турар жойларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари, Олий Мажлис, республика Президенти томонидан қабул қилинган қонун, қарор, фармонлардан келиб чиқадиган муҳим вазифалар, ХДП олиб бораётган сиёсатни тушунтириш, оммага етказишда жонбозлик кўрсатаётганлиги жуда қувончли.

— Ҳисобот даврида шаҳар партия кенгашининг иш режасига кўра, ўн пленум, 34та ижроия бюро йиғилишлари ўтказилди, — деди ўз маърузасида саркотиб. — Уларда ички партиявий ишларни такомиллаштириш муаммолари, бошланғич партия ташкилотларининг ЎзХДП Низоми ва Дастури талабларини қандай бажараётганликлари, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларининг бажарилиши бўйича ҳисоботлар, мафкуравий соҳадаги вазифалар, жамоа, ташкилотларга раҳбарлик қилаётган партия аъзоларининг ҳисоботлари, ёшлар билан ишлаш ва бошқа кўпгина долзарб масалалар кўрилди.

Кенгаш ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган «Тарғиботчилар» гуруҳи, «Оқсоқоллар кенгаши», «Жангчи дугоналар» ва, айниқса, «Депутатлар клуби» ишини қутламоқ жоиз. Биз ақидапарастлик, диний экстремизмга қарши курашда улар фаолиятидан фойдаланяпмиз.

Бироқ, Самарқанд шаҳридаги барча бошланғич партия ташкилотларида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари кўнгилдагидек ўтди, деб бўлмайди. Ҳисобот даврида қатор жамоаларда асосий муаммо — партия аъзоси бўлган раҳбарларнинг партиявий масъулиятни ҳис этмаслиги сезилиб қолди. Уларнинг бошланғич ташкилотлар фаолиятини чегаралаб қўйишга уринишини ёки бу ишларнинг менга даҳли йўқ, қабилида иш тутишини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди...

Ҳисобот даври, яъни ўтган йиллар давомида шаҳар партия кенгаши кекса партия аъзолари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиб, уларга ғамхўрлик, баҳоли қудрат моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди.

Ҳисобот маърузасида ҳам, сўзга чиққанлар нутқида ҳам ХДП аъзоларининг халқ фаровонлиги йўлида сиёсатдаги устувор йўналишларга оғишмай амал қилиш ҳақида чин дилдан фикр-мулоҳазалар айтилди. ХДП шаҳар ташкилотининг обрўсини кўтариш барча аъзоларнинг муқаддас бурчи эканлиги таъкидланди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати А. Носиров қатнашди.

Анжуманда шаҳар партия кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши таркибига вакиллар ҳамда вилоят партия конференциясига делегатлар сайланди.

Ташкилий пленумда шаҳар партия кенгаши биринчи котиби этиб Ш. Темиров сайланди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Шу кунларда Ромитан, Оҳангарон, Оққўрғон, Зангиота, Пскент, Янгийўл, Ўртачирчиқ туманлари ҳамда Оҳангарон, Чирчиқ, Каттақўрғон шаҳар партия конференциялари бўлиб ўтди.

Уларда тегишли шаҳар ва туман партия ташкилотларининг кенгашлари ва тафтиш комиссиялари ҳисобот маърузалари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари ахборотлари муҳокама этилди, партия ташкилотлари фаолиятининг келгусига мўлжалланган устувор йўналишлари белгиланди. Шунингдек, мазкур анжуманларда шаҳар ва туман партия кенгашлари, тегишли партия ташкилотлари тафтиш комиссияларининг янги таркиблари шакллантирилди, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар партия конференцияларига делегатлар ҳамда юқори партия органлари таркибига вакиллар сайланди.

Конференцияларда Бухоро вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ж. Нуруллаев ва Ромитан тумани ҳокими А. Нозимов, Тошкент вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Р. Солихов ва Оҳангарон тумани ҳокимининг биринчи муовини Т.Тўраев, Оққўрон тумани ҳокими Л. Деҳқонбоев, Зангиота тумани ҳокими Х. Нурматов, Юқоричирчиқ тумани ҳокимининг муовини Н. Солиев, Пскент тумани ҳокимининг муовини Р. Турсунбоев, Янгийўл тумани ҳокимининг муовини Б. Раҳимқулова, Тошкент вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Аъзамов ва Ўртачирчиқ тумани ҳокими С. Қурбонов ҳамда Оҳангарон шаҳар ҳокими А. Расулов, Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев, Каттақўрғон шаҳар ҳокими Т.Ҳамидов иштирок этдилар.

Мазкур конференцияларда сайланган партия кенгашларининг ташкилий пленумлари ўтказилди. Уларда партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб, тегишлича, Ш. Ёдгоров, Б. Йўлдошев, Ҳ. Давлатов, А. Сулаймонов, И. Эргашев, Ф. Абдужабборов, И. Мирҳамидов, Н. Орипов, Т. Ҳамидов, А. Акбаров, У. Мирзаев сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Шаҳар ва туман конференциялари ниҳоясига етди

Марказий Кенгаш XIX пленуми қарори ҳамда Ўзбекистон ХДП Низомига биноан, жорий йилнинг апрель ойида партиянинг барча тузилмаларида бошланғич ҳисобот-сайловларнинг иккинчи босқичи доирасида шаҳар ва туман конференциялари ниҳоясига етди. 200 тадан зиёд шаҳар ва туманда ўтган ушбу анжуманларда 24350 делегат ёки барча бошланғич партия ташкилотларининг вакиллари, кўплаб меҳмонлар иштирок этдилар.

Шаҳар ва туман партия ташкилотларининг кенгашлари ва тафтиш комиссияларининг ҳисоботлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар гуруҳининг ахборотлари, партия ташкилотлари фаолиятининг келгусига мўлжалланган устувор йўналишларини белгилашга оид масалалар муҳокамасида 1721 киши қатнашди. Сўзга чиққанлар шулар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар, партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритдилар.

Барча анжуманларда мамлакат йўлбошчиси – Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат тўла-тўкис маъқулланди ва партия ташкилотларининг ушбу сиёсатни қўллаб-қувватлаш, ислоҳотларни амалга оширишда бевосита иштирокини, жонажон Ватанимиз – Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган саъй ҳаракатларини янада фаоллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Конференцияларда шаҳар ва туман партия ташкилотларининг кенгашлари ҳамда тафтиш комиссияларининг янги таркиби шакллантирилди, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар конференцияларига делегатлар, юқори партия органларига вакиллар сайланди. Шаҳар ва туман партия кенгашларига жами 11546 киши, шу жумладан 2573 аёл, тафтиш комиссиялари аъзоси этиб 1772 киши, (шундан 346 таси аёл) сайланди. Конференцияларда, Ўзбекистон ХДПнинг бўлажак III қурултойи ҳамда сайловлар муносабати билан, шаҳар ва туман партия кенгашларига, тегишли ваколатлар берилди.

Кенгаш котиблари вазифасига, тажрибали, кўпни кўрган кадрлар билан бир қаторда, изланувчан, ташаббускор, бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган ёш ХДП аъзоларини, сайлашга катта эътибор берилди.

Шаҳар ва туман партия конференцияларида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари, МК аъзолари ва бўлим мудирлари, Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбар ходимлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, турли давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, корхона ва хўжалик бошлиқлари фаол иштирок этдилар.

19 июнь куни минтақавий партия конференциялари бошланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Сирти бутун, ичи тутун...

Савдогар «банкрот»га учраса, машинасини сотиб қутулолмай, ҳашаматли уйигаям харидор излаб қолса... Буям камлик қилгандек, кечаси безорилар ўласи қилиб дўппослаб кетишса...

Маҳалладошларининг қанчаси куюниб, қанчаси суюнарди?

Бир кашфиёт устида ўн йилча изланиб, фан доктори бўлай деб турган олимнинг иши не сабабдир чиппакка чиқса... Илгари олган унвонлари ҳам бекор қилиниб, ўзи ўқув муассасасидан қувғин қилинса...

Аҳли илмларнинг қанчаси куюниб, қанчаси суюнарди?

Тўрт-бешта китоби чиқиб, доврўқ тарата бошлаган ёш шоирни катта йўлда машина уриб кетса...

Ижодкор дўстларининг қанчаси енгил тортиб, қанчаси ғамга ботарди?

Лавозимдор раҳбар бир суюқоёқ аёл билан гап-сўз бўлиб кетса... Сўнг амалидан айрилса...

Соясига «салом берганлар»нинг қанчаси садоқат ила куюниб, қанчаси суюнарди?

Бадавлат кишилар қуда бўлишаётганида тўйлари азага айланса...

Қўшниларнинг қанчаси куюниб, қанчаси суюнарди?

Одамларни, хом сут эмган бандаларни бу тариқа куюнтирадиган ё суюнтирадиган воқеа-ҳодисалар ҳаётда жуда кўп учрайди. Отнинг ўлими — итнинг байрами, деганларидек, ҳар қандай фожиадан ҳам озми-кўпми ичида хурсанд бўладиганлар афсус топилади. Қувончини ҳар қанча пинҳон тутмасин, кўзларида ажиб «ҳаяжон» сезилиб туради унақаларнинг. Ҳатто, кўзёши тўкаётгандек кўринса-да, ич-ичидан куладиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бировларнинг фожиасидан гўё бошини ҳам қилиб ўтирса-да, кўнглидагини кўзлари яшира олмайди уларнинг.

Ҳашаматли иморат қураётган, енгил машинани энг зўридан олаётган, олимликдан обрў топаётган, етук раҳбар бўлаётган, ҳонадонига файз кираётган, ижоди билан танилаётган инсонларга ҳасадгўйлар қайдан пайдо бўлишаркин? Адолат тарозусига қўйиб кўрсак, ҳавас билан яшайдиганлар кўпми, ё ҳасадчилар?

Ўзини инсофли, адолатпеша қилиб кўрсатадиган кимсалар ҳам тил учида жавобини «қойил» қиладилар: «йўғ-е, наҳотки... шахсан ман бировга ҳасад қилмайман...» Уларга: «хўш, сизга ҳасад қиладиганлар йўқми?» деб савол бериб кўринг. Фиғонидан тутун чиқиб кетади: «эй-й, сўраманг, мани кўролмайдиган кўзинг чиқ-қурлар дастидан дод дегим келади...»

Ана сизга мантиқ!

Ким кимга ҳасад қилади? Ҳасад балосининг илдизи қаерда ўзи?

Тангри таоло ҳар бир жонзотни яратар экан, улар умрига завол етказувчи аллақандай кушандалар ҳам пайдо бўлаверган. Хусусан,

Ҳасад балоси

одамзоднинг энг даҳшатли, қабиҳ кушандаси — ҳасаддир. Одамзоднинг ўзига ўзини душман қилиб қўядиган, ич-ичидан емириб, кемириб адо қиладиган иллат — ҳасаддир. Ҳасаднинг ўткир тирноқлари — ғийбат, заҳарли тили — туҳмат, мақсади — қулфат...

Ҳасаднинг миқёси ҳам, қамрови ҳам жуда кенг. Дунё бўйича урчиб кетган энг қабиҳ иллат — ҳасаддир. Дейлик, бировга ҳеч қачон зиён-заҳмат етказмайдиган, тинчлик, осойишталикни олий мақсад деб билган Ўзбекистон аталмиш мамлакатимизни ҳам кўролмайдиган ҳасадчилар кам эмас.

Ҳасадчи шундай қобилиятга эгаки, кўзингга бақрайиб туҳмат қилишдан тап тортмайди. Тили ғийбатдан бошқа гапга «айланмайди». Ҳасад ўқи ила «кўролмаган кишиси»ни йиқитмагунча ғийбат қилаверади. Бўлмағур миш-мишлар тарқатаверади. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов шунақа миш-мишчилар ҳақида жуда топиб ёзган:

Унинг миш-мишидан
ранжиманг асло,
Нима бўлса, асли
наслида бўлган.
Она қорниданоқ ўзи
ҳам ҳатто,
Асли миш-миш билан
дунёга келган.

Ўз хонадонидан тортиб ишхонасигача, турли идораларда, кўча-кўйда боплаб ҳайратомуз «воқеа»ларни тўқиб чиқараверади. Ўзи ўйлаб топган ёлғон-яшиқ гапларига ҳатто ўзи ҳам ишониб қолаверади... Соддадил, ишонувчан кишилардан тортиб казо-казо мансабдорларгача лақиллатишга, ҳатто улар орасига адоват уруғини сочишга устамон бўлади ҳасадгўйлар...

Ҳасадгўй, ғийбатчиларнинг асли насли, бўлари шу. Бироқ, туппа-тузук зиёли, масъул ходим ё бирор ташкилот раҳбари бўлатуриб ғийбатчи нусхаларнинг «нағорасига ўйнаган»ларга нима дейсиз?

Ҳасад қилмайдиганлар ҳам борми, деган ҳақли саволга баралла айтадиган жавобимиз шу: ҳаётда эзгу мақсадли, маънавий етук, турфа иллатлардан жуда йироқ, олийжаноб кишилар жуда кўп. Шундай инсонлар қўша-қўша бахтга мушаррафдирлар. Улар бунёдкорлик билан шуғулланмоқдалар, элу юртга бош-қош бўлмоқдалар, жўшиб ижод қилмоқдалар.

Фаранглларда ажойиб бир мақол бор: қўшним икки қаватли уй қурса, мен уч қаватли қилиб қураман. Ана сизга — тараққиёт. Маънавият ва маърифат равнақ топган элда шунақа олижаноб, эзгу ниятлар рўёбга чиқаверади, албатта. Демак, давлатимиз сиёсатида муҳим ўрин тутаётган маънавият ва маърифатни равнақ топтириш қуёш нуридек зарур. Қоронғу, ташландиқ жойда ҳар хил ҳашаротлар ғимирлаб юргани мисол маънавиятсиз, маърифатсиз кимсалар «онги»да фиску фасод урчиб кетаверади.

Кўп китоб ўқийдиган, ўқиб мағзини чақадиган, миллий туйғуларга ташна, санъатга ошно кишилар ҳасад деган иллатдан жуда йироқдирлар. Улар ҳавас ила яшайдилар. Гўзал турмуш — ҳаётларининг мағзи, мазмуни.

Мустақил давлатимиз ўз автомобилларини чиқармоқда. Ҳаётга қора кўзойнак ортидан қарайдиган айрим кимсалар бунга ҳавас қилдиларми ё кўнглингизда қандай ҳислар жўш урди: ҳавасми ё ҳасад?

Қолгани виждонингизга ҳавола.

Тўлқин ЭШБЕК

Диққат: янги нашр

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг АХБОРОТНОМАСИ»

Илм-маърифат ривожланган мамлакатда инсон камолоти, маънавияти юксак бўлади. Маънавият юксалган жойда эса мустақилликнинг қўл-оёғи мустаҳкам, шуури тиниқ, фикри теран ва югурик, чақмоқ сингари кескир бўлади. Буни мустақиллик йўлларида тетапоя бўлаётган, бироқ қадами шаҳдам юртимиз мисолида кўриш мумкин. Маънавиятга интилиш чоп этилаётган нашрлар савияси ва салоҳиятида кўринади, унга бўлган ўқувчилар эҳтиёжи билан ўлчанади.

Бугунги кунда республикамизда 700 га яқин турли нашрлар чоп этилаётган бўлса, эндиликда у яна биттага кўпайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий нашри бўлмиш «Ахборотнома»нинг биринчи сони босмадан чиқди.

Истиқлол шарофати билан ўз фаолиятини бошлаган Марказий сайлов комиссияси зиммасига улкан масъулият юклатган. Мамлакат Президенти ва Олий Мажлис депутатлари сайловларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссиялари тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарор ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар ва журналхонларни қизиқтирган турли саволларга жавоблар шу «Ахборотнома»да ёритиб борилади.

Маълумки, сайлов — демократиянинг муҳим белгиси. Дунёдаги энг ривожланган давлатлар ҳам ўз ички сиёсатларида беқиёс муваффақиятларга аввало демократик сайловлар орқали эришган. «Жаҳон андозалари», «Дунё амалиёти» сингари рукнлар остида ёритиладиган мақола ва суҳбатларда илғор мамлакатлардаги сайлов тажрибалари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» юртимизда сайловлар жараёнини ёритиб боришда ўзига хос нашр бўлиб қолади. Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, «Ахборотнома» даврий нашр эмас, у заруратга кўра маълум вақтларда чоп этилади. Қисқаси, сайлов қонунчилиги ва сайловни ўтказиш амалиётида тажрибали мутахассислар, ҳуқуқшунослар ҳамда шу соҳага қизиққан барча фуқаролар «Ахборотнома» билан ижодий ҳамкорлик қилишига имконият кенг.

(Ўз мухбиримиз)



Айни кунларда Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалигида буғдой ўрими қизғин олиб бориляпти. Суратда: «Кейс» комбайни моҳир ҳайдовчиси Алишер Юсувалиев ҳосил чўғидан мамнун.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

Суд жазолаш идораси эмас!

Хизмат тажрибаларидан шу нарсага аминманки, аксарият оддий фуқароларимиз суд идораларини фақат одамларни жазоловчи орган деб тушунади. Аслида бундай эмас. Суд органлари жиноят содир этганларни жазолаш билан бирга, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилади. Уларга суянчиқ бўлади, ҳуқуқий билимларини оширишда кўмаклашади. Биз, ҳуқуқшунослар ана шундай қутлуғ даргоҳда хизмат қилар эканмиз, жиноятнинг олдини олиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек бурчимизни бир дақиқа ҳам ёддан чиқармаслигимиз, бунинг учун одамлар орасида кўпроқ бўлиб, уларнинг дардларини эшитишимиз, уларга имкон қадар қонуний нуқтаи назардан кўмак беришимиз керак.

Гап асосан жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақида борар экан, мен бу ишни фарзанд туғилган пайтдаёқ бошлаш зарур, деб ўйлайман. Зеро, боладаги ўғрилик одати қўшнисининг катагидан тухум ўғирлашдан бошланади, дейишади халқимиз. Демак бола аввал ўйин, ҳазил тариқасида майда-чуйда нарсаларни ўғрилашга ўргандими, ота-она, қўни-қўшни боладаги бундай ноўрин ҳаракатнинг олдини олиш чорасини дарҳол кўришлари лозим бўлади. Яна шуни айтмоқ керакки, оилада ота-онанинг ичкиликбозликка, гиёҳвандликка муккасидан кетиши, эр-хотиннинг ўзаро бир-бирлари билан бўлар-бўлмасга жанжаллашишлари, умуман, оиладаги нотинч вазият ҳам болаларнинг жиноят йўлига киришига сабабчи бўладиган омиллардан саналади. Бугунги кунда ана шу тариқа ҳаёт кечирувчи оилалар қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла, хўжалик мутасаддиларининг эътиборидан четда қолмасликлари, участка нозирларининг рўйхатидан тушиб қолмаслиги даркор.

Оилани жамият таянчи, тараққиёт пойдевори десак муболаға бўлмайди. Ҳар бир оиланинг шу даражага етишуви учун эса никоҳ мустаҳкам бўлиши, «қўш хўкиз» бўлган эр-хотинлар оиланинг ташвишларини бирга тортиб, қувончларига ҳам тенг шерик бўлиши лозим. Шундагина оила метиндек мустаҳкам бўлади. Аксинча, эр-хотиннинг ўзаро муросасизлиги улар фарзандли бўлиб кетишган тақдирда ҳам оила тинчлигига путур етказади. Охир-оқибат улар суд томонидан ажралишгача бориб етишади. Бундай ҳол кечиримсиздир.

Бир нарсани ачиниш билан айтиш керакки, баъзи бир оталар никоҳни бекор қилдиргач, ўз жигаридан бўлган фарзандлари учун алимент пули тўлашни кечиктириб юришади, айрим ҳолларда эса тўлашдан бош ҳам тортишади. Бу билан собиқ эр жиноий ҳаракатга йўл қўяди. Фикримнинг исботи учун битта мисол келтириб ўтишни лозим деб ўйлайман.

Аҳмад деган шахс Ойша билан 1981 йилдан буён қонуний яшаб келишган. Туман судининг 1990 йил 12 февралдаги қарорига асосан уларнинг никоҳи бекор қилиниб, бир нафар фарзанди учун ҳар ойда топадиган даромадларининг тўртдан бир қисмини собиқ хотини фойдасига алимент тарзида тўлаб бориши белгиланган. Бироқ, жавобгар Аҳмад Холиқов онгли равишда 1997 йилнинг 1 сентябридан 1999 йилнинг 1 январигача алимент пули тўлашни «унутган». Бу ҳаракати билан у Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 122-моддасида кўрсатилган жиноят аломатларини содир этиб суднинг қора курсисида ўтиришга ҳамда тўламаган 7040 сўм алимент пулини тўлашга мажбур бўлди. Суд унга нисбатан 3 йил муддатга аҳлоқ тузатиш жазосини белгилади.

Мустақил Ўзбекистонимиз халқи Президентимиз И. А. Каримов томонидан олиб борилаётган тўғри ва оқилона сиёсат туфайли тўқ ва фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечираяпти. Одамларимизнинг кўпчилигида турли русумдаги автомашиналар бор. Қайси шаҳар ёки қишлоқда бўлманг, тўй-томошалар устидан чиқасиз. Биз буларнинг барчасидан бениҳоя хурсандмиз, албатта. Лекин, тўй-томошаларда спиртли ичимликларнинг беўлчов даражада тарқатилаётганлиги айрим хурмачаси тор шахсларнинг жиноят қилишига сабабчи бўлаётганлиги ачинарлидир. 1998 йилнинг 1 ноябрь куни кеч соат 11ларда «Қоратепа» жамоа хўжалигининг Майда қишлоғида содир этилган кўнгилсиз воқеа тўйдан кейинги «томоша»лардан биридир. Шу куни Ғулом Холмуродов, Абдураҳмон Суюнов ҳамда Эшқобил Холиқовлар қўшни Чироқчи туман «Чиял» хўжалигидаги танишининг тўйига боришади. Тўйдан тўйиб кетишгач эса «машина ҳақи» устида жанжаллашиб қолишади. Натижада Ғулом Холмуродов Абдураҳмон Суюновнинг кўкрагига пичоқ тиқиб, унинг жароҳатланишига ҳамда 14 кун давомида касалхонада даволанишига, унинг даволаниши учун эса 6885 сўмлик давлатга моддий зарар етишига сабабчи бўлади. Туман судининг шу йил 11 январь куни бўлиб ўтган очиқ суд йиғилишида Ғулом Холмуродовни 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм эълон қилинди. Бироқ суд республикамиз Президентининг 1998 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармоннинг 6-моддаси «А» бандига кўра Ғ. Холмуродовга нисбатан жазонинг ярмини ўташ лозимлигини таъкидлади.

Юқоридаги мисолни тўла тафсилоти билан келтиришимдан мақсадим битта. У ҳам бўлса, юртимизда бўлаётган тўй-томошаларда спиртли ичимликлар тортилмаса. Унинг ўрнига турли хил спорт ўйинлари, цирк ва концерт томошалари ва полвонларнинг беллашувлари ўтказилса. Шунда тўйдан сўнг бўладиган кўнгилни нохуш этувчи ҳодисалар барҳам топган бўларди.

Мамлакатимизда кўзга унчалик ташланмаса-да, аммо жуда ҳам йиринглаб кетаётган жиноятнинг яна бир тури — майда ташмачиликдир. Бундай майда жиноятларни пахта ва ғалла даласида ҳам, завод ва фабрикаларда ҳам, хуллас, ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида учратиш мумкин. Қоровул ва назоратчилар қанчалик кўп бўлмасин, ташмачилар барибир ҳунарини ишлатишади. Бундай кимсалар қўлга тушгач эса «билмабман», «тушунмабман», «бошқа такрорланмайди», дея бош эгишади. Айрим шахслар борки, ҳатто фарзандларини ҳам шу йўлга солиб, уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадилар.

Кези келганда барибир айтиш керакки, ер юзининг барча бурчакларидаги сингари қотиллик, босқинчилик, фоҳишабозлик, террорчилик, гиёҳвандлик ва шу сингари бошқа қатор мудҳиш жиноятлар ҳам кам бўлсада, учраб турибди. Мен аввало ана шундай инсон деган улуғ номга доғ тушурувчи жиноятларни содир этаётганларга қарата айтгим келади: «Эй бандаи мусулмон, ахир сени ҳам она деган буюк зот туққан, унинг кўкрак сутидан бахраманд бўлгансан. Сен ҳам Ватан деб аталмиш заминда бунёд этилган ноз-неъматлардан татиб, униб-ўсгансан. Шундай бўлгач, қандай қилиб ўз юртингга, халқингга, кўни-қўшнингга отаонангга нисбатан душманлик қиласан. Агар сен ҳам дунёдан, яшашдан заррача бўлсада умид қилсанг, жиноятга қўл уришдан олдин дақиқагина ўйлаб кўр, шунда балки бу шармандалик йўлингдан қайтарсан».

Бизнинг мамлакатимизда қонун ҳамма учун баробар, уни бузишга, унга хиёнат қилишга ҳеч кимнинг ҳуқуқи йўқ. Давлатимиз қомуси — Конституциямизда ҳам бу сўзлар зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Қонунни бузганлар учун эса жазо муқаррардир.

Поён РЎЗИЕВ, Қамаши туман судининг раиси

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 21

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Амир Темур дурдоналари», «Шарқ зарчашмаси».
9.15 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Куй ва тасвир».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.35 Кундузги сеанс: «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
12.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.25 «Қўшиққа кўчган сатрлар». А.Пўлатов.
13.00 «Оламга саёҳат».
13.20 «Оталар сўзи- ақлнинг кўзи» почтасидан.
14.10-14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Дўстлик» (Тошкент вилояти)
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.25 Болалар учун. «Орзулар қанотида».
18.45 «Оққан дарё оқаверади».
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббатни куйлайман». И. Жўраев.
21.35 «Футбол майдонларида».
21.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 57-қисм.
22.40 «Маънавият» дастури.
23.40 «Ахборот».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», Мультфильм)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «О, ёшлигим».
19.55, 20.20, 22.55 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Душанбада кўришгунча».
21.50 «Маслаҳат».
22.20 Олам футболи.
22.40 «Шарқ эстрадаси».
23.00 Синема. «Амакиваччам Винни».
01.00 «Хайрли тун!»

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун»
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бўрч ва масъулият».
20.15 «Телефакт».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.10 «Чин қалбдан».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Интернет» худуди.
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Тўрт эпчил ака-укалар». 1-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 Душанба куни Познер билан «Биз» дастури».
18.45 Елена Сафонова ва Виталий Соломин «Ҳаёт сўқмоқлари» фильмида.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Вақт хазинасидан».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Ўғри қиз». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА 22

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 57-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Янги алифбони ўрганамиз».
10.25 «Маънавият» дастури.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.40 «Мактублар кабутарлар».
12.05 Кундузги сеанс: «Чипполино». Бадиий фильм.
13.25-14.00 Ўзбек куйларидан концерт.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Маҳмадона». Мультфильм.
18.20 «Катта оила».
18.40 «Дил торидан таралган наво». Мусиқий дастур.
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Аруз гулшани».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқболим — истиқболим».
21.25 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.00 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
22.40 «Ўзлигинг намоён қил!». Экранда — Тошкент вилояти.
23.20 «Ахборот».
23.50 «Уйланиш». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
Телесериал. 57-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50, 20.15, 22.45 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.20 «Ғазал соғинчи».
20.40 «Марду майдон».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.50 «Камолот». Жиззах вилояти ёшлари ҳақида.
22.10 Сиз севган хонанда: Ғиёс Бойтоев.
22.30 «Парламент».
22.50 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм.
00.20 «Янги тонг!»

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Суҳбатдош».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ёшлар ҳудуди».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Спорт-клуб».
17.15 «Маски-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Шиша ичидаги жин». 1-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Инсон ва қонун».
18.45 «Ҳаёт сўқмоқлари». Телесериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20:35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21:25 «Оламда нима гап?»
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар мукофоти» антологияси. 1977 йил.
22.50 Кинематограф: «Рокки». Бадиий фильм. Бош ролда — Сильвестр Сталлоне.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 24

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Қўшиқ билан кўраман оламни». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 58-қисм.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Жавоҳирлар ҳазинаси». Адабий кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Абитуриент-99. Она тили.
10.55 Абитуриент-99. Математика.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.30 «Қувноқлар даврасида».
12.05 Кундузги сеанс: «Болажон қиз». Бадиий фильм.
13.25 «Сайқал».
13.45 «Турон қизлари». Спорт дастури.
14.10 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий -публицистик кўрсатув.
14.35-15.00 «Инсон ва замин». Тележурнал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа,Ҳа, Ҳа...». Ҳазил, Ҳажв, Ҳангома.
18.30 «Солиқ ва назорат».
18.50 «Экран куйлари».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.55 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Назм ва наво». Амирий лирикаси.
22.20 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
23.00 «Сомон йўли».
23.30 «Ахборот».
24.00 «Колонна». Бадиий фильм.1-серия.
01.05-01.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
Телесериал. 58-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ёшлик формуласи».
19.50, 20.15, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.20 «Давр»-интервью.
20.30 «Ватан манзаралари».
20.45 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлайман».
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 «Бегойим».
22.05 Охунжон Мадалиев куйлайди.
22.25 «Мутойиба».
22.50 «Мусиқий глобус».
23.15 Синема. «Танк».
00.55 «Спорт-қитъаси».
01.25 «Хайрли тун!»

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалб ардоғида». Ғанижон Тошматов.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.00 «Мулоқот». Қисқа метражли бадиий фильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар
23.55 «Кинонигоҳ».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дил изҳори».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Бу ажиб дунё».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Шиша ичидаги жин». 2-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Эслашлари учун...». Наталья Вилькина. Кўрсатувни. Л. Филатов олиб боради.
18.45 «Ҳаёт сўқмоқлари». Телесериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН -шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Тошдаги достон». Бадиий фильм. Бош ролда — М. Дуглас.
00.20 «Ахборот» (рус тилида) 00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 25

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Юртим жамоли».
8.50 Фольклор-этнографик ансамблларн танлови ғолибларининг концерти.
9.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Зийнат».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Абитуриент-99. Физика.
10.50 Немис тили
11.20 Абитуриент-99. Биология.
11.45 «Инсон ва қонун»га хатлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
12.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.
12.40 Кундузги сеанс: «Таня ва икки мушкетер». Бадиий фильм.
13.30 «Сомон йўли».
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30 «Ўзбекистон фуқароси».
14.50-15.15 «Саҳна ҳаёти».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Бадиий академия кўргазма заллари бўйлаб».
18.45 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз—гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиқ—маънавият кўзгуси». Мусиқий дастур.
21.50 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
22.25 «Баркамол авлод орзуси».
22.50 «Кинонинг минг бир олами». Кинокўрсатув.
23.10 «Ахборот».
23.40 «Колонна». Бадиий фильм. 2-серия.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Китоб жавони», «Мультфильм)
18.40 «Қизим, сенга айтаман...».
18.50 Кўнгил наволари.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Жаҳолат бекати». Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига.
20.05, 20.30, 22.45 Эълонлар.
20.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.35 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.50 «Наволарда аён этсам...». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Саломат бўлинг». Телешоу, халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига.
22.15 «Автосалтанат».
22.30 «Жаҳон эстрадаси».
22.50 Синема.
00.50 «Мунаввар тонг истаб...».

ТТV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Туризм ҳақида».
11.40 «Фаровонлик бекати».
12.05 «ТВ ва театр».
12.30 «Кинонигоҳ».
14.10 «Ёшлар ҳудуди».
14.40-14.50 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 «Кулишни унутманг». Дам олиш дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшоми».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Рақслар жилоси».
22.15 «Катталар учун эртак».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 «Тунчироқ».
00.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
00.25 «Кинонигоҳ».
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15:10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4» да «Немис тўлқини».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «СНН- шоу».
17.15 «Джентельмен-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Жасур тикувчи». 1-қисм.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Қойилмаком еттилик».
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА 26

Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишланган узлуксиз телекўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.55 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.50 «Телевизион миниатюралар театри».
10.30 «Шаҳар бедарвоза эмас».
10.50 «Кўзгу».
11.15 «Бўрилар». Бадиий фильм.
12.20 «Сўнгги пушаймон».
12.45 «Ғанимат бил дунёни». Мусиқий дастур.
13.25 «Саломат бўлинг».
13.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
14.05 Болалар учун. «Гулгунчалар».
14.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зулмат салтанати».
15.00 «Ринг». Спорт дастури.
15.35 «Тафаккур оғуси».
16.00 «Шумтакалар». Мультсериал.
16.30 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
16.55 «Муҳаббат бошимдан кетмасин». Мусиқий дастур.
17.35 «Билмайин босдим тиканни...».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Эл тинчлиги йўлида».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёвуз кулфат изидан».
21.45 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
22.45 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.55 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 57-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
10.55 «Муносабат».
11.15 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
12.05 «Маслаҳат».
12.35 Сиз севган хонанда: Равшан Комилов.
12.50 «Эркин фикр».
13.20 «Рамаяна». Телесериал.
13.55 «Баҳс».
14.20 Рақслар қанотида.
14.40 «Тарзан». Телесериал.
15.20 «Саломат бўлинг».
16.00 «Эски альбомдан».
16.15 «Мафтункор чеҳралар».
16.30 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Болалар дам олиш масканларида»).
18.20 «Эски альбомдан».
18.25 Кинотақдим.
18.45 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
18.50 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес академия».
20.55 Мусиқий лаҳза.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлайман».
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 «Мусиқа теграсида».
22.00 «Баҳс, мунозара, таҳлил». Халқаро гиёҳвандликка карши кураш кунига.
22.25 «Эски альбомдан».
22.30 «Кутилмаган меҳмон».
22.55 «Ёр ишки». Мусиқий дастур.
23.15 Синема. «К-9» командаси.
01.00 Шарқ тароналари.
01.20 «Хайрли тун!»

ТТV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 Болалар учун. «Ҳалфана».
9.55 «Табиат шифохонаси».
10.10 Болажонлар экрани.
11.40 «Таянч».
12.00 «Ибрат».
12.20 «Бева Бланка». Телесериал.
13.05 «Ёшлар кўчасида».
13.25 «Дўстлик» видеоканали: «Сахий хонадонда», «Бизнен мирас».
14.10 «Қалб ардоғида». Ғанижон Тошматов.
14.35 «Кинонигоҳ».
16.15 -16.40 «Спорт-тайм».
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.05 «Мисли гавҳар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилидла)
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хотира — қалб чироғи».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
22.20 «Беллашув». Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Тасанно».
23.20 «Бувимнинг сандиғи». Телефильм.
23.30 «Тунги пойтахт». Информацион дам олиш дастури.
24.00 «Даллас». Телесериал.
00.50 Оҳанглар ва эълонлар.
01.00 «Кинонигоҳ».
02.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф: «Тошдаги достон». Бадиий фильм
11.30 «Жонли сайёра».
11.45-12.30 «Биргаликда куйлаймиз».
16.30-17.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Бинафша».
Россия жамоат телевидениеси.
17.55 Кумуш серия. Гойко Митич ва Барбара Брильска «Лочин изи» саргузашт фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
22.15 Монте Карлодаги қўшиқлар фестивали. 1-қисм.
23.15 «Дил изҳори».
23.25 Кинематограф: «Бадди». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 27

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
8.50 Ёш хонандалар концерти.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Бустон». Тележурнал.
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Талабалик йилларим».
11.20 «Ёзувчи ва замон».
11.40 «Мус-ринг». Телешоу.
12.20 «Шоҳруҳ клуби».
12.50 «Эл тинчлиги йўлида».
13.15 «Мозийдан бир мўъжиза».
13.30 «Келин-куёв». Телешоу.
14.40 «Сўзга сиғинган умрлар».
15.00 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.40-16.00 «Фермер». Телетанлов.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Оила». Тележурнал.
18.40 Эстрада тароналари.
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган концерт.
22.00 «Тўртинчи ҳокимият».
«Аср мўъжизаси». Кинодастури.
22.45 Кино янгиликлари.
23.00 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.20 «ТВ-1 намойиш этади». Телеанонс
23.35 «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадиий фильм.
01.15 -01.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам олинг!»
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.30 «Бизнес-академия».
10.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
11.05 «Инглиз тили сиз учун».
11.30 «Ёшлар» телеканалида.
11.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
Телесериал. 58-қисм.
12.25 «Кўнгил наволари».
12.30 «Рей Бредбери театри». Телесериал.
13.00 «Лаззат».
13.20 «Остонадаги орзулар».
13.40 Аъло Раҳимова куйлайди.
13.55 «Синфдош».
14.15 «Рамаяна». Телесериал.
14.50 «Мунисам».
15.10 «Мусиқий лаҳза».
15.15 «Цирк, цирк, цирк».
15.35 «Чироғи ёниқ уй».
16.00 Ўзбекистон қанотлари.
16.20 Синема.
17.40 Хит-коллекция.
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси»)
18.20 «Замон билан ҳамнафас». Савдо ходимлари кунига.
18.35 «Очун» Буюк Ипак йулларида.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Ёшлар кунига. «Дунёга йўл.
19.50, 20.30, 22.50 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Дунё хафта ичида».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлайман».
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 «Баҳс».
22.10 Мусиқий дастур.
22.30 «Спорт ҳафтаномаси».
22.55 Синема.
00.25 «Тонг юлдузи».

ТТV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
10.00 Болажонлар экрани.
11.30 «Қаллоблар». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
13.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
14.00 «Бева Бланка». Телесериал.
14.45 «Спорт оламида».
15.00-16.40 Такрорий фильмлар экрани.
17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Камолот сари».
19.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома».
20.05 «Бир аёл тарихи».
20.20 «Умрбоқий мерос».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбадан якшанбагача».
21.30 «Пойтахтимиз жамоли».
21.50 «Тасанно».
22.30 «Тунги пойтахт». Дам олиш кўрсатуви.
23.10 «Камертон».
23.30 «Даллас». Телесериал.
00.20 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30 «Кинонигоҳ».
02.10 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10:25 «Парле ву франсэ?»
10:50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.00 «Оскар» мукофоти антологияси» 1977 йил.
11.20 Кинематограф: «Рокки». Бадиий фильм.
13.10 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)
13.20 -14.05 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Рангинкамон».
***
16.30-17.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Тенгдошлар».
18.00 Мюзик-холл.
18.25 «Бу ажиб дунё».
18.40 Монте-Карлодаги қўшиқлар фестивали. 2-қисм.
19.45 «Интернет» худуди.
Россия жамоат телевидениеси.
20.00 «Время».
20.35 Жаҳон киноси. «Уч мушкетер». янги голливудча талқинида.
22.30 «Кинопрофи».
22.50 «Лаки-Страйк» намойиш этади: «Доно Уилл Хантинг хоним».
00.50 «Таҳлилнома» (рус тилида)
01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»



Ўтган йили Францияда бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатида майдон эгалари билан бразилиялик футболчиларнинг финал учрашуви ҳамон футбол ишқибозлари ёдида бўлса керак. Ўшанда тезкор ўйин, айниқса, дарвозабон Бартезнинг маҳорати туфайли майдон эгалари 3:0 ҳисобида ғолиб чиққанди. Ўша куни Бразилия жамоасининг «суперҳужумчиси» Роналдо гарчи бутун маҳоратини ишга солган бўлса-да, майдондан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур бўлди.



Австралияликлар ялангоёқ сув чанғисида учишни жуда ҳам хуш кўришади. Ҳатто у миллий ўйинлардан бирига ҳам айланиб кетган. Мамлакатда ҳар йили ушбу спорт тури бўйича кўплаб мусобақалар ўтказилади. Мусобақани томоша қилиш учун дунёнинг узоқ ўлкаларидан ҳам меҳмонлар ташриф буюришади. Айрим пайтлар хорижликлар ҳам ялангоёқ сув чанғисида учишга ҳаракат қилиб кўрадилар. Лекин улар ҳамон бунинг уддасидан чиқолмай ҳалак. Маҳаллий аҳоли эса бунинг учун австралиялик бўлиш лозимлигини таъкидлайди. Бу ерга ташриф буюрганларнинг ёшлари, истеъдодлари ҳар хил бўлса-да, ушбу спорт турига бўлган қизиқишлари бир хил.

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
таклиф этади
Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади
Манзил: Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси «Камолот-Мўтти» студияси 1999 йил 24-25-26 июнда атоқли санъаткор Ўзбекистон халқ артисти НАБИ РАҲИМОВнинг ёркин хотирасига бағишлаб
«КИЗИКЧИ-99»
кўрик-танловини ўтказади.
Танловнинг 1-босқичида вилоятлар ва шаҳарларда 20 июнгача 35 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этадилар.
Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар «Камолот» жамғармасининг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.
Саҳналаштирувчи режиссёр: Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» мукофоти совриндори Шерали Хожиев
Сўровлар учун тел: 41-08-61

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида комиссия иштирокида диплом бланклари ўралган боғламни очиш чоғида №136685 ва №136686 бланклар етишмагани аниқланган.
Юқорида қайд этилган диплом бланклари
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қашқадарё вилоят Қамаши туманидаги № 36 сон А. А. Фадеев номли ўрта мактаб томонидан Ибодов Хайрулла номига 1981 йилда берилган №506887 номерли аттестати йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус таълим муаммолари институти жамоаси, шу институтнинг б

Ўзбекона оиланинг ёрқин намунаси

Ислом КАРИМОВ:
Биз оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз зарур.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1999 йилнинг мамлакатимизда «Аёллар йили» деб эълон қилиниши муҳим тарихий воқеа ҳисобланади. Жаҳон тарихида биринчи маротаба жорий этилган бу тадбир аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва қадр-қимматини тақдирлашда катта аҳамият касб этади. «Аёллар йили» ўтказилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Улар оиланинг устуни ва йўналтирувчи кучи ҳисобланиб, улар туфайли ҳаёт тирик ва абадийдир. Инсонни инсон, оилани оила қиладиган ҳам аёллардир.

Ота-она биргаликда ва ҳамкорликда оилани шакллантиради, тарбиялайди, фарзандларини «емай едиради ва киймай кийинтиради».

Оила жамият ва давлатнинг асосини ташкил этиб, барча борлиқнинг яратувчисидир. Усиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Инсон боласининг олий фазилатлари ва келажаги оилада шаклланиб, сўнгра камолот чўққисига кўтарилиб боради. Шу боис оилада қанчалик тинчлик, аҳиллик, сабр-қаноат ва одоб-ахлоқ ҳукм сурса, онаюртнинг тараққиёти ва жаҳон даврасидаги мавқеи шунчалик баланд бўлади. Собиқ Совет давлати оилаларнинг жамиятдаги тутган ўрнини ҳисобга олиб, уларни мустамлакачилик сиёсати гирдобида қаттиқ ушлаб турди. У оилаларнинг миллий хусусиятларига зарба бериб, «коммунистик оила» ва «социализм оиласи» сингари қалбаки номларни жорий этди. Комсомол ва партия аъзолари қанчалик кўп бўлса, оиланинг нуфузи шунчалик кўтарилар эди. Оилаларда болаларни «ленинчи пионер»лар деб аташ одат тусига кирганлигини ким билмайди дейсиз.

Умуман айтганда, оилаларда миллий ғоя ва диний эътиқод суриб ташланиб, коммунистик ғоялар зўравонлик билан ҳаётга татбиқ этилди.

Бироқ тоталитар сиёсат қанчалик даҳшатли бўлмасин, барибир ўзбекона оила ва унинг маҳсули бўлмиш миллий турмуш тарзини тамомила қўпориб ташлашнинг иложини тополмади. Шунинг учун ҳам улар мустақилликнинг тикланиши биланоқ озодлик юзини кўришга муваффақ бўлди. Оилани кенг кўламда ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилди. Ҳозирда оилаларни коммунистик ғояларидан тозалаш бўйича катта ютуқларга эришилди. Эндиликда ўзбекона оилалар асли ҳолига тушиб, ҳавас қиладиган даражада миллий ғоя ва миллий турмуш тарзи яшнамоқда.

Хўш, ўзбекона оилаларнинг мазмуни нималардан иборат?

Авваламбор шуни айтиш лозимки, ўзбекона оилаларнинг юзага келиш ва ривожланиш жараёни чуқур тарихий даврларга бориб тақалади. Улар кўп

1

асрлар мобайнида ўзида миллий хусусият ва дунёқарашни мужассамлаштирди. Натижада уларда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, мардлик ва меҳмондўстлик сингари олий фазилатлар ўз ифодасини топди. Она тилга ва тарихий меросга муҳаббат барқ уриб турди. Одоб-ахлоқ ва умуммиллат манфаатларини таъминлашга алоҳида аҳамият берилди.

Бинобарин оилаларнинг бутун фаолияти миллат тарихини акс эттиради. Шу боис уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳар жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. (У ёки бу оилага бағишланган китоб ва мақолалар йиғиндиси асосида бутун мамлакат тарихини чуқур ва атрофлича ёритиш мумкин). Бу борада матбуотимизнинг таниқли вакилларидан бири Ислом Шоғуломовнинг «Ҳаётимнинг етмиш лаҳзаси, неваларимга мактублар» номли китоби зўр қизиқиш ва мамнуният билан қарши олинди. Унда Ислом аканинг фаолияти мисолида ўзбекона оиланинг намунаси яққол кўзга ташланади.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, мен Ислом аканинг отаси вафоти муносабати билан фотиҳага борганимда ҳовлида ўтирганим ҳамон эсимда. Сиртдан қараганда мана шундай жойдан ва рўзғорни эл қатори тебратиб турган даргоҳдан етуқ кишилар чиққанлигига ишониш қийин. Аммо, чуқурроқ фикр юритилса, шу нарса маълум бўладики, инсон боласини тарбиялашда ҳашаматли иморат ва бойлик эмас, балки юксак даражадаги одоб-ахлоқ ҳал қилувчи ўрин эгаллар экан. Худди мана шундай фазилатлар Шоғулом ота бошлиқ оилада мавжуд эди.

Миллий турмуш тарзи

«Барчамиз, — деб ёзади Ислом ака, — ота-онамизнинг меҳр-муҳаббати, бизга берган одил ва оқил тарбиялари соясида вояга етдик. «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ҳикматли мақолни сулоламизнинг эл орасидаги мавқеига татбиқ қиладиган бўлсак, комил ишонч билан айтиш мумкинки, баримиз ота-онамиз тарбиясига содиқмиз, ўз навбатида, болаларимиз ҳам улуғлардан қолган табаррук ва мукаммал тарбияга соҳиб бўлишига интиламиз. Айниқса, падари бузрукворимиз бизнинг тарбиямизга кўпроқ эътибор беарар, барчамизнинг хатти-ҳаракатимиз, юриш-туришимизни қаттиқ назорат қилар, баъзан аёвсиз тергар эдилар. Ютуқларимизга қараганда кўпроқ хато-камчиликларимизни тез-тез эслатиб, огоҳлантириб турарди отам».

Демак, оила сардори Шоғулом ота Шомуродов фарзандларни тарбиялашни муқаддас бурч ҳисоблаб, уларнинг келажак ҳаётини ўйлаб иш юритган. Одоб-ахлоқнинг битмас-туганмас куч-қудрати ва самараси фарзандларнинг онгига тинимсиз сингдириб борилган. Ҳеч кимга сир эмаски, эринчоқлик ва дангасалик, текинхўрлик ва бетамизлик бахтсизликнинг уясидир. Буни яхши англаган доно Шоғулом ота шундай деган: «Исломжон болам, ишдан қўрқманг, меҳнат билан ўзингизни чиниқтиринг. Аксари кўнгилсизликлар меҳнат қилмаслик, ишдан қочиш кабилардан пайдо бўлади. Бир бурда нон ҳам меҳнат билан мазали бўлишини ёдда тутсангиз, асло панд емайсиз. Бахтнинг бир оёғи меҳнат бўлса, иккинчиси илм-маърифат ва одобдир. Илмли, одобли, фаросатли одам ҳаётда ўз ўрнини албатта топиб олади».

Кўриниб турибдики, ота фарзандини меҳнаткаш бўлиш билан бир қаторда илм-фанни эгаллашга даъват этган. Бу унинг дунёқараши кенглигидан дарак беради. Ваҳолонки, ўша вақтларда «ҳамма ўқийверса подани ким боқади» — дегувчи оталар ҳам йўқ эмас эди.

Китобдан маълум бўладики, кўпчилик оилаларда бўлганидек Шоғулом ота хонадонида таълим-тарбия жараёни оила бошлиғининг доимий назоратида кечган. Унинг беш фарзанди — тўрт ўғли ва бир қизи бўлған. «Успиринлигим арафасида,» — дейди Ислом ака, — уруш бошланиб, тенгқурларим қатори болалик билан хайрлашдим: бошимизга қийин кунлар тушди, теваракда кечаётган воқеа-ҳодисалар бизни тез улғайтириб қўйди. Гўё катталардек фикрлайдиган, мулоҳаза юритадиган бўлиб қолдик. Ёдимда, отам бир ўзлари ишлаб ҳаммамизни боқардилар.

Кийим-кечакни авайлаб, бирбиримизникини кияр эдик. Биров бу ҳолдан нолимасди. Отамга қийин эканлигини барчамиз бирдек ҳис этардик. Ака-укалар 14-15 ёшгача бир-биримизникини кийиб аҳиллик билан вояга етдик.

Бундай оғир кунларни бошқа

2

минглаб оилалар ҳам бошидан кечирган эдилар. Ҳатто, дастурхон ва дўппигача ямаларди. Кўрпа-ёстиқдан тортиб, кийим-кечак хилларининг барчасини ямаш кенг тус олган эди. Чойнак ва пиёлалар ҳам чегаланарди. Бу иш билан махсус шуғулланувчи «Чегачи»лар сулоласи бўлган. Бизнинг оила аъзоларимиз ҳам ўша мудҳиш кунларни бошидан кечирган. Каминанинг ҳам мактабга оёқ яланг борган вақтлари бўлган. Аллоҳ ўзбекларни «сувда чўкмайдиган», «оловда ёнмайдиган» қилиб яратган эканки, ҳар қандай оғир ва хавф-хатарли кунлар, аёвсиз назорат ва зулм, қирғинбарот ва очарчиликлар уларнинг метиндек иродасини бука олмади . Аксинча, халқимиз оғир шароитнинг асиригa айланмай порлоқ келажак учун мардонавор курашди. Масалан, Шоғулом отанинг оиласи шулар жумласидандир!

Ҳа, ҳозир барчамиз қатори озодлик гаштини сураётган Ислом ака узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. У шу кунларда эгаллаб турган раҳбарлик лавозимига осонлик билан эришгани йўқ. Зеро, у иш фаолиятини матбуотнинг энг таг-туби, ҳарф терувчилик касби билан бошлади. Маълумки, бундай ҳунар эгалари босмахонадаги зарарли ҳаво ва нохуш ҳидли шароитда ишлаб, юз-қўли мой, қўллари қизариб кетади. Ювингандан кейин ҳам одамдан доим бўёқ ҳиди келиб туради. Бироқ, ўз касбига садоқатли Ислом ака (онгли равишда) ҳунарини изчиллик билан давом эттирди. У барча машаққатларни зиммасига олиб, устозларининг ишончини оқлади: «Ҳарф терувчилик касби, — деб ёзади китоб муаллифи, — шу қадар нозик ва инжиқ ҳунарки, унинг бутун мураккаблиги ва масъулиятини ундан нон топган одамгина теран ҳис қила олади, холос. Агар бир киши кунда газета ёки китобнинг бир неча саҳифасини мутолаа қилса, ҳарф терувчи иш муддати ичида қанчадан-қанча газета ва журналларда чоп этиладиган мақолалар, хабарлар ва бадиий асарлар матнини ўқиб чиқади, ҳарфларни муайян технология асосида териб, сатрлар бунёд этади, шу билан бирга терилаётган матннинг маъно-мазмунига ва турли хил камчиликларига ҳам эътибор беради. Шу боис бунингдек касб соҳиби зукко, билимдон, хотираси мустаҳкам одам бўлиши керак».

Мазкур сатрларда сабр-тоқатли ва заҳматкаш ҳарф терувчиларнинг машаққатли меҳнати шу даражада яхши кўрсатилганки, уни изоҳлашга ўрин йўқ, деб ҳисоблайман. Оддий ҳарф терувчи ишчи бўлмиш Ислом ака отасининг илмли бўлиш ҳақидаги насиҳатларига тўла риоя қилган ҳолда мақолалар ёзишга киришди. Ҳатто ТошДУнинг журналистика факультетини битирди. Сўнгра фан номзоди бўлди. Буларнинг ҳаммаси ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилди. У ўзининг ақл-идроки ва ташкилотчилиги билан ҳурматга сазовор бўлди. Оддий ҳарф терувчидан цех бошлиғи, сўнгра директор лавозимига кўтарилди. Ислом ака мана 30 йилдирки, ҳозирги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернига бошчилик қилиб келмоқда. Умумлаштирганда, умрининг 55 йили машаққатли ва самарали меҳнатда ўтибди! Бир соҳа ва йўналишда ярим асрдан ортиқ узлуксиз ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун инсон ниҳоятда сабр-қаноатли, шижоатли, касбининг фидойиси, билимдон, тадбиркор ва жамоа аҳлининг ҳурматига сазовор бўлиши керак. Ислом ака мана шундай фазилатларнинг соҳиби сифатида намоён бўлди.

Маълумки, собиқ Совет даврида ақл-идрокли ва миллатпарвар кишилар «қора хат»га олинган эди. Бу хилдаги кимсалар вақти вақтида бедага ўхшатиб ўрилиб турилган. Бундай, том маънодаги сиёсий қатағон асримизнинг 80-йилларида «пахта иши» ниқобида авжига миниб, минглаб кишилар ҳибсга олинди ёки ишдан ҳайдалиб, қувғинга мубтало этилди. Улар орасида Ислом Шоғуломов ҳам бор эди.

У ноҳақлиқ азобини тўрт йил тортди. Ниҳоят, Ислом Каримов республика раҳбарлиги лавозимига ўтиргандан кейин ёруғ кунлар келиб, эзилган, хўрланган халқнинг елкасига

3

офтоб, кўкрагига шамол тегди. Қамоқхоналардан кишилар озод этилди, қувғиндиларнинг ҳам қадр-қиммати ва ҳурмати ўрнига қўйилди. Ислом Шоғуломов ҳам юртбошимизнинг марҳамати ва ғамхўрлиги туфайли ўзининг асл ишига қайта тикланди. «Қадрдон корхонамга директор бўлиб қайтганимдан, — деб ёзади у, — Ислом Абдуғаниевич Каримов хабардор, У кишининг сайлов натижаларидан рози ва мамнунлигини айтишди. Хурсанд бўлиб иш бошлаб юбордим.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, Ислом Абдуғаниевич ўзлари мени йўқладилар. Суҳбатимиз бошида ишлар қандай кетаётганини, етишмовчиликлар бор-йўқлигини суриштирдилар. Мен ҳам ўтган йиллар ичида босмахонада ишлар сусайганлигини ва бошқа бир қатор муаммоларни батафсил тушунтириб бердим. Вазиятни таҳлил қилгач, Ислом Абдуғаниевич: «Нима ёрдам керак?» — деб сўрадилар. «Менга бўлган ишончингизнинг ўзи бебаҳо ёрдам. Агар иш жараёнида бирор қийинчилик чиқиб қолса, етишмовчилик сезилса ёрдам сўраймиз, — дедим».

Бу ерда шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, юртбошимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларини изчиллик билан ривожлантиришга қаратилган имкониятларни яратиб бердилар. Аммо улардан билимдонлик билан фойдалана олмай юрган раҳбарлар ҳам топилади. Бундай кимсалар ташкилот ва корхоналарда ишни кўнгилдагидек юрита олмаётирлар. Бироқ имкониятни қўлдан бой бермай ишни дўндираётган раҳбар ходимлар ҳам оз эмас. Хусусан, Ислом Шоғуломов шундай моҳир раҳбарлардан ҳисобланади. Унинг бошчилигида «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни мисли кўрилмаган даражада миллатимиз манфаатлари учун баракали ишламоқда. Айрим маълумотларни келтираман: 1998 йилда бир миллиард 49 миллион сўмлик босма маҳсулотлари чиқарилди. Шу жумладан 183,4 миллион сўмлик газета маҳсулотлари, 346,3 миллион сўмлик этикетка ва тасвирий буюмлар, 9,3 миллион сўмлик бланка, канцелярия маҳсулотлари ҳамда 129,9 миллион сўмлик халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 1998 йилда соф даромад 211,5 миллион сўмни ташкил этди. Ўша йили концерн бўйича ўртача маош 12.000 сўмга кўтарилди.

«Бу ютуқларнинг барчаси, — дейди китоб муаллифи, — Ватан истиқлоли ва истиқболи шукуҳидандир. Буларнинг барчаси Президентимизнинг халқчил ва зиёбахш сиёсатининг шукуҳидандир».

Хуллас, асарнинг «Истиқлол меҳнатга чорлайди», «Абадият ва китоб», «Раҳбарлик масъулияти» ва бошқа ҳаётий масалаларга бағишланган саҳифаларида матбуот, илм-фан, бошқарув маҳорати ва авлодлар тарбиясига доир қиммати фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Маълумки, собиқ Совет даврида шахсий ташаббус ва манфаатдорлик бўғилиб, раҳбар ходимларнинг фаолиятига бағишланган китоблар чиқариш амри-маҳол эди. Бунга мустамлакачилик ва миллатчилик сиёсати йўл бермаган эди.

Фақат Президентимизнинг демократияга асосланган сиёсати туфайли Ислом Шоғуломовнинг китоби дунё юзини кўрди. «Ватан учун жонини, — дейди Президентимиз, — жабборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур этиб бўлмайди».

Ислом ака ва унинг ака-укалари худди мана шундай фуқаролик бурчини сидқидиллик билан бажараётган фидойи кишилардир.

Китобда Ўзбекистонда матбуотнинг ривожланиш жараёни хусусида етарли даражада маълумотлар мавжуд. У матбуот тарихига ҳам бағишланган асардир.

Китоб билан танишган ҳар бир ўқувчи Ислом Шоғуломовнинг босиб ўтган узоқ, машаққатли ва жўшқин фаолиятига ҳавас қилади, сабоқ олади ва билимини оширади. У ўзбекона оиланинг нақадар афзаллиги ва самарадорлигининг кўзгуларидан биридир.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

4

Кўнгилдан кўчирмалар

Суянчиқ

Дўстимга ишонгандим, сотиб кетди. Сизга ишонгандим, дил қасрини бузиб кетдингиз. Қаламга суянгандим у мени суяб қолди. Шу-шу у менинг суянчиғим бўп қолди.

Болам

Бошим ёстиққа етди. Шифтга тикилиб узоқ ётдим. Дарднинг зўридан «онажон!» дедим. Тўгамда опам ойлаб ўтирди. Рўзғор ташвиши бор, уйига кетди. Тунлари бедор ётганимда сиз ҳам чарчаганингизни билдирмасангизда, қўшни хонада тунадингиз. Онам оёққа турганимда кетди.

Фақат ёнимдан ўғлим ҳеч жилмади. «Ойижон, кўзингизни юмманг, мен қўрқаман» дерди нуқул ухлаш олдидан, жажжи қўлчалари билан маҳкам бўйнимдан қучиб.

Осмоннинг қадрини билдим.

Боламнинг қадрини билдим.

Сиҳатлик

Тан-сиҳатликнинг қадрини омонликда асраган маъқул. Хасталикда сиҳатлик учун қайғуриш мажбурликдан экан.

Тун ва кун

Тунда тушда кўрганларимни кунда эслайман. Кунда кўрганларимни тунда ҳеч кўрмайман. Туннинг илоҳий қудрати бордай туюлади.

Кўнгил

Кўнглимга қарамай сиз мени ранжитдингиз. Кўнглимга мен ҳам қарамадим.

Чорраҳа

Чорраҳада учрашдик — орадан шунча йиллар ўтгач. Машиналар ғиз-ғиз ўтади. Қоқ йўл ўртасида кўз-кўзга тушиб, бир сония тек қотдик. Сўнг бош ирғаб саломлашдик, холос. Маъюс нигоҳларимиз ила сўзсиз хайрлашдик.

Чорраҳада — умр чорраҳасидаям худди шундай бир сонияга учрашдик. Ғурур дея ажрашдик. Фақат хайрлашмадик.

Мени билмайсиз

Одамлар «Доим хушчақчақсиз», дея менга баъзида ҳавасланишади.

Одамлар, мени билмайсиз дегим келади ўшаларга. Аламли кўз ёшларимни Сиздан қизғанаман. Шодлик бергим келади сизга. Хандон кулгуларим ортида Армонларимни кўрмайсиз.

Байрам баҳона

Байрамларда йўқлайсиз мени. Шундагина эслайсиз мени. Мен эса Сизни ҳеч унутмайман. Байрамларни соғинаман. Эслашингизга баҳона бу, буни биламан...

Саҳийа САЙХУН

Абдурасул ПАРДА олган сурат

ОЧИК ТУРЛАГИ

«ТОШКЕНТПАРРАНДА»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

1998 йил ишлари якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилади

Мажлис 1999 йил 30 июнь куни соат 13.30 да Қибрай тумани, «Тошкентпарранда» ОТАЖ маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилди.

КУН ТАРТИБИДА

1. *1998 йилдаги ишлар якуни буйича ОТАЖнинг йиллик ҳисботини тасдиқлаш.*
   — *Жамият бошқаруви раисининг маърузаси:*
   — *Аудиторлик текширув хулосалари тўғрисидаги ахборот.*
2. *Даромад тақсимоти, дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатлари.*
3. *Жамият Уставига ўзгаришлар киритиш.*
4. *Вазирлар Маҳкамасининг 22.08.98 йилдаги 361, 525 - сонли қарорини муҳокама қилиш ҳамда Низом ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлаш.*
5. *1999 йил учун ОТАЖ бизнес-режасини тасдиқлаш.*
6. *Жамиятнинг тафтиш комиссиясини сайлаш.*
7. *Бошқа масалалар.*

1999 йил 1майгача акциядорлар рўйхатида қайд этилган акциядорлар йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Акциядорлар 1999 йил 30 июнь куни соат 11.00 дан 13.15 гача рўйхатга олинадилар.

Акциядорлар юқорида кўрсатилган манзилда 1999 йил 25 июндан 30 июнгача бўлган муддат ичида умумий йиғилишга бағишлаб тайёрланган маълумотлар билан танишишлари мумкин.

1999 йил учун асосий молиявий натижалар (минг сўм ҳисобида)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	37815	Устав фонди	37655
Номоддий активлар	3412	Узоқ муддатли қарзлар	54538
Ишлаб чиқариш захиралари	132266	Тақсимланмаган даромад	25229
Тугатилмаган ишлар	11892	Қисқа муддатли қарзлар	5500
Келажак муддатлари сарфлари	3674	Бошқа пассивлар	78160
Пул маблағлари	268	Баланс:	201082
Бошқа активлар	11755		
Баланс:	201082		

Баланснинг ва молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги «Паррандааудит» МВТ аудиторлик корхонаси томонидан тасдиқланган. (195 - сонли лицензия 30. 09.1996 йил).

Давлат тест марказига

Бош ҳисобчи лавозимига юқори малакали, 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган мутахассис ишга таклиф этилади.

Маълумот учун: тел. 55-98-28

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухородa — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Маъмуржон ҚИЁМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 23.819 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0440

Босишга топшириш вақти 21.00
Топширилди 00.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83